Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

N 31 (368) • 2012 йил 7 август

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 3 августдаги 152 (5572)-сон)

Қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, хусусан, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни ўтмишдаги қатағон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турадиган чинакам мустақил институтга айлантириш борасида миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар олиб борилмоқда.

Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди, бунда асосан жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Айни шу боисдан 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида зикр этилган муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари 1-4-иловаларга мувофиқ;

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари беришни, шунингдек, тураржойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутадиган тартибни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин;

судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкламасини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқсин ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Бунда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилсин.

5. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритсин;

бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчиси Б.А.Коканбаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2012 йил 2 август .

Қонун ва ижро

МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ МАХСУС ПАКЕТЛАРГА СОЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси эксперт кенгаши ва БМТ Тараққиёт дастури «Ўзбекистон бизнес-форуми» лойиҳасининг «Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш: жорий аҳвол, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида йиғилиши бўлиб ўтди.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш бутун дунёда тобора долзарб масалага айланмоқда. Бу инсоннинг кундалик ҳаётда ерда йиллаб парчаланмай ётадиган ва атроф-муҳитга катта зарар етказадиган пластик, полиэтилен ҳамда бошқа синтетик материаллардан фойдаланиши билан ҳам боғлиқдир. Айнан шу боис ушбу масалаларни ҳал этишда чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш, уларнинг ҳосил бўлиш миқдорини камайтириш имконини берадиган инновацион технологиялардан фойдаланиш (чиқинди ёқиш заводлари ва полигонларини қўлламаган ҳолда) муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида ҳавони ифлослантирадиган моддалар чиқиндилари 2, ифлосланган оқава сувларни ташлаш 1,8 баробардан ортиқ камайган бўлсада, қаттиқ маиший чиқиндиларни самарали утилизация қилиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Йиғилишда ушбу масалани ҳал этишда бизнес вакиллари, давлат тузилмалари, соҳа ташкилотларининг ва айниқса, аҳолининг янада фаол иштирок этиши зарурлиги тўғрисида фикрлар билдирилди. Бунда анъанавий усўлубларга (чиқиндиларни ёқиш ва кўмиш) ҳам, чиқиндилар миқдорини камайтиришга доир қўшимча тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Бир-бирини тўлдирувчи бир қанча дастурлар ва тадбирларни бирлаштиришгина бу борадаги муаммоларни самарали ҳал этиш имконини бериши мумкин.

Энди юридик ва жисмоний шахслар чиқиндиларни саралаши ва уларни турли рангдаги махсус пакетларга жойлаштириши лозим. Мовий ранг пакетлар – пластмасса, оқ ранг пакетлар – қоғоз, сариқ ранг пакетлар – озиқ-овқат, қора ранг пакетлар – бошқа турдаги чиқиндилар учун мўлжалланган. Таркибида симоб бўлган чиқиндилар учун махсус контейнерлардан фойдаланилади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг шу йил 1 августдан кучга кирган Тошкент шаҳрида санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш ва ҳудудларда тозаликни сақлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларга оид қарори, шунингдек маиший чиқиндиларни саралаш, тўплаш, сақлаш ҳамда вақтида ташиб кетиш бўйича янги қоидалар шу йўналишда муҳим қадам бўлди.

Йиғилишда чиқиндиларни бошқаришга оид қонун ҳужжатлари ва амалиётни, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасига хусусий секторни жалб қилишнинг амалий жиҳатларини такомиллаштиришга доир маърузалар тингланди, соҳа корхоналарини маблағ билан таъминлаш ҳамда солиқ олиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Тошкент вилояти Янгийўл туманида хусусий бизнесни жалб этган ҳолда, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича синов лойиҳасининг асосий параметрлари намойиш этилди.

ЎзА материали асосида тайёрланди.

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 31 (368) • 2012 йил 7 август

ТИББИЙ КЎРИК МАЪЛУМОТНОМАСИНИНГ ТАЛАБ ҚИЛИНИШИ ҚОНУНИЙМИ?

ЁКИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАГАН ХОДИМЛАРГА ТИББИЙ КЎРИК ХАРАЖАТЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲАМДА СОЛИҚ СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Хусусий кафеда (ЯСТ тўловчи) вакант бўлиб турган официант лавозимига ходимни ишга олиш вақтида директор, ходим жойига вакант даъвогардан соғлиғи ҳақида тиббий маълумотномани тақдим этишни талаб қилди.

Ишга кираётган шахс, агар корхона тиббий кўрик пулини тўлаб берса ундан ўтишга розилигини билдирди. Корхона 35 000 сўм миқдоридаги тиббий кўрик харажатлари суммасини тўлаб берди.

Корхона раҳбарининг ишга қабул қилишдан олдин тиббий кўрик маълумотномасини талаб қилиши қонунийми?

Ишга жойлашиш вақтида қандай ҳужжатларни тақдим этиш лозим?

Расмий равишда ишга қабул қилинмаган ходимларга тиббий кўрик харажатлари корхона бухгалтерия ҳисобида ҳамда уни солиққа тортишда қандай акс эттирилади?

Шаҳриёр Абдукундузов,
корхона ходимлар бўлими инспектори.
Абдулазиз Саъдуллаев, бухгалтер.
Фарғона вилояти.

– Меҳнат кодексининг *(МК)* 80-моддасига мувофиқ, ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

– паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни (16 ёшгача бўлган шахслар – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома тақдим этадилар);

– меҳнат дафтарчасини (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар ҳамда асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этаётган ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар бундан мустасно);

– ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Ишга қабул қилиш учун дастлабки тарзда тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимлар туркуми қуйидагилардан иборат:

– 18 ёшга тўлмаганлар;

– 60 ёшга тўлган эркаклар, 55 ёшга тўлган аёллар;

– ногиронлар;

– меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

– озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

– умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган ходимлари *(МКнинг 214-моддаси)*.

Дастлабки ва даврий тиббий кўрик (тиббий муассаса хизматлари) харажатлари иш берувчи (корхона) томонидан тўлаб берилиши ва улар меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари сифатида тасниф-ланиши мумкин.

Ушбу ҳолатда корхона, вакант жойга даъвогар бўлган шахсни дастлабки тиббий кўрикка унинг харажатларини тўлаб берган ҳолда юбориши лозим. У дастлабки тиббий текширувдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўйишга ҳақли эмас.

Айрим корхоналар учун дастлабки ва даврий тиббий кўриклар қонунчилик билан белгиланган жараён бўлганлиги учун ушбу харажатлар ходимларнинг жами даромадларига киритилмайди. Бунда қуйидаги шартлар бажарилади:

– тиббий кўрикдан фақатгина қонунчиликка мувофиқ ўтишга мажбур бўлган ходимлар ўтадилар;

– ходимларни фақатгина рўйхати қонун билан тасдиқланган шифокорлар текширадилар;

– тиббий кўриклар меъёрий ҳужжатлар ёки шифокорларнинг кўрсатмаси бўйича белгиланган даврийликда ўтказилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналарда ушбу харажатлар солиққа тортиладиган базани шакллантиришда ҳисобга олинмайди (ягона солиқ тўлови суммасига таъсир этмайди), улар 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида бошқа операцион харажатлар сифатида акс эттирилади.

Хўжалик операциясининг мазмуни	*Сумма, сўм*	*21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси*		*Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар*
		дебет	*кредит*	
Тиббий кўрик учун тиббий муассасага тўлов акс эттирилди	35 000	6990	5110	Тиббий муассаса билан шартнома, банк кўчирмаси
Харажатларни мажбурий тиббий кўрикларга ҳисобдан чиқариш (ишга қабул қилишдан олдин)	35 000	9430	6990	Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси

Жавобни экспертимиз Гуломжон ТЎЛАГАНОВ тайёрлади.

Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР
Ҳар хил турдаги вагончаларни ишлаб чиқариш Маҳсулот сертификатланган



Тел.(+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz
H1672
086-12

Эълонлар

ИШ

Компьютер, «1С» дастурини билувчи бош бухгалтер ёрдамчиси керак (45 ёшгача).
Тел. 215-59-63.

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*.
Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, (+99893) 545-83-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, созлаш.
Тел. 963-89-58.

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш.
Тел.: 252-38-71, 808-79-76.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

УШБУ СОНДА:

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони

– Маиший чиқиндиларни махсус пакетларга солинг! ***1-бет***

✓ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**

– Тиббий кўрик маълумотномасининг талаб қилиниши қонунийми?

– Балиқчилик ерлари қандай солиққа тортилади

– Автотранспортни сақлаш корхонаси қандай солиқларни тўлайди? ***2, 7-бетлар***

✓ **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**

– Электр таъминоти: истеъмолчилар юқори кучланиш зонасида

– Европача капитал таъмирлаш ***3-6-бетлар***

✓ **ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

– Кексалар учун ипотека кредити ***8-бет***

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	*Сана*	*АҚШ доллари*		*Евро*		*Россия рубли*	
		бирлиги	*курси*	*бирлиги*	*курси*	*бирлиги*	*курси*
Озарбайжон	3.08.2012	1	0,7855	1	0,9564	1	0,0241
Арманистон	3.08.2012	1	409,79	1	501,58	1	12,64
Беларусь	4.08.2012	1	8340,00	1	10180	1	256,50
Грузия	4.08.2012	1	1,65	1	2,027	1	5,0713
Қозоғистон	4.08.2012	1	150,22	1	183,46	1	4,63
Қирғизистон	4.08.2012	1	47,2352	1	57,7025	1	1,4518
Латвия	6.08.2012	1	0,577	1	0,702804	1	0,0177
Литва	6.08.2012	1	2,8312	1	3,4528	10	8,7044
Молдова	3.08.2012	1	12,5463	1	15,3974	1	0,3871
Тожикистон	4.08.2012	1	4,7644	1	5,8968	1	0,1483
Ўзбекистон	31.07.2012	1	1904,90	1	2315,22	1	59,13
Украина	3.08.2012	100	799,30	100	986,8158	10	2,4627
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	4.08.2012	1	32,5361	1	39,6745	-	-

Манба: www.prime-tass.ru

МУНДАРИЖА:

✓ Электр таъминоти: истеъмолчилар юқори кучланиш зонасида

✓ Европача капитал таъмирлаш

СОН МАВЗУСИ:

Монополияга қарши қўмита коммунал хизматларнинг истеъмолчиларига ёрдам беради

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ: ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЮҚОРИ КУЧЛАНИШ ЗОНАСИДА

Электр энергияси таъминотчилари ва истеъмолчиларининг ўзаро муносабатлари юқори кучланиш соҳаси бўлиб қоляпти. Амалда ҳар бир киши энергия таъминоти ташкилотларининг вакиллари билан мулоқотда бўлиб, бунинг натижасида ўзининг ҳуқуқи бузилганлиги тажрибасини келтириши мумкин. Истеъмолчилар кўпинча электр таъминотидаги узиб қўйишлар ва танаффуслар; кучланишнинг кўтарилиб кетиб, бунинг оқибатида маиший техника ишдан чиқиши; асоссиз равишда қарзларни ёзиш; жарималарни нотўғри қўллаш; қонун ҳужжатларни бузишлар ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари (ҲЭТК) инспекторларининг ана шу ҳуқуқбузарликлар учун жавоб бермаслиги хусусида шикоят қиладилар. Кейинги вақтда ушбу рўйхатга электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш, улардан фойдаланишни назорат қилиш, истеъмолчилар учун уй-жой фондини электр энергияси истеъмолини ҳисобга оладиган замонавий асбоблар билан жиҳозлашнинг аниқ ва тушунарли регламенти йўқлиги билан боғлиқ масалалар қўшилди.

Иккинчи тарафда ҳам истеъмолчиларга нисбатан даъволар кам эмас. Аввало истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловни тўламаслик жуда катта ҳажмга етган, бу ҳол эса тармоқни самарали ривожлантириш, электр ускуналари, тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш имконини бермаяпти. Тарифларнинг ўсиши, сифат параметрларининг меъёрларга номувофиқлиги сабаблари ҳам шунда. Таъминотчилар истеъмолчилар томонидан Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари[1] *(бундан кейин – Қоидалар)*, электр таъминоти шартномаларига риоя этилмаслиги ҳақида шикоят қиладилар; электр ҳисоблагичларга ғайриқонуний қўл уришлар, ҳисоблагични ишга тушириш чизмаларини ўзгартириш, пломбаларни бузиш, электр қабул қилгичларни ноқонуний улаши далиллари ва ҳоказо мисолларни келтирадилар. ҲЭТК ходимлари кўпгина истеъмолчилар уй-жой фондини замонавий электрон ҳисоблагич асбоблар билан жиҳозлашни назарда тутадиган, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурларни амалга ошириш йўлида тўсқинлик қилаётганликлари хусусида шикоят қиляптилар.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси *(бундан кейин – Қўмита, Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси)* амалга оширади. Қўмитага келиб тушаётган мурожаатлар орасида электр таъминоти соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини камситиш билан боғлиқлари оз эмас. Ушбу масалалар қандай ҳал қилинаётганлиги, шунингдек қандай муаммолар юзага келтираётганлиги тўғрисида Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиқ ўринбосари **Акбаржон АБДУРАЗЗОҚОВ** ҳикоя қилади.

[1]ВМнинг 22.08.2009 йилдаги «Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 245-сон қарорига 1-илова.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ДАВРА СУҲБАТИДА – КЕСКИН МУАММОЛАР

Уй-жой-коммунал хизматларга истеъмолчиларнинг Қўмитага келиб тушадиган барча мурожаатларининг қарийб 63%и тўғри келади. Улардан 20%га яқини электр таъминоти соҳасида улар ҳуқуқларини турли хил бузишлар хусусида шикоятлардир. Ушбу статистика электр энергияси истеъмолчилари билан таъминотчилари ўртасида юзага келадиган муаммоларнинг анча кенг доирасини акс эттиради.

Электр таъминоти – мураккаб тармоқ. Бугунги кунда уни модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, аҳолини электр билан пухта ва сифатли таъминлаш учун кўп иш қилиняпти. Шундай бўлсада таъминотчилар билан истеъмолчилар ўртасида зиддиятлар мавжуд. Улар объектив ва субъектив сабабларга эга. Бир томондан, улар ускуналар, электр тармоқларини модернизациялашни талаб қиладиган муаммолар бўлиб, улар аста-секин ҳал қилиняпти. Бошқа тарафдан эса – сўз истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан хабардор эмасликлари, тарафлар ўртасидаги электр таъминоти шартномасига *(бундан кейин – Шартнома)* риоя этилмаслиги тўғрисида боряпти. ХЭТК ходимлари томонидан ҳам, абонентлар томонидан ҳам қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ инсон омили ҳам бор.

Улар ўртасидаги кескинлик кучайиб кетмаслиги учун масалаларни ҳуқуқ майдонида ҳал қилиш керак. Истеъмолчилар, дарвоқе хизматлар таъминотчилари ҳам, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишлари ҳамда уларга риоя этишлари керак. Муаммолар юзага келганда қўл остида бўлиши керак бўлган асосий ҳужжатлар – Қоидалар ва Шартнома. Зарурат туғилганда – «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонун, Фуқаролик кодекси 29-бобнинг «Энергия таъминоти» деб номланган 6-параграфи. Улар иккала тарафни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, юзага келадиган муаммоларни имкони борича камайтириш, уларни ҳал қилиш ва қийин вазиятлардан чиқиш йўлини айтиш имконини беради. Афсуски, кўп истеъмолчилар тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган Шартномага эга эмаслар. Ҳолбуки Қоидаларда белгиланишича *(102-банд)*, маиший истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш Шартнома асосида амалга оширилади. Агар Шартнома тузилган бўлмаса, етказиб берувчи уни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир *(Қоидаларнинг 129-банди)*. Шартноманинг 7.1-банди унинг амал қилиш муддати чекланмаган бўлишини назарда тутади. Бироқ агар сиз квартира сотиб олсангиз, Шартномани қайтадан тузиш, янги шахсий ҳисобварағини очиш зарур бўлади, янги мулкдорлар эса кўпинча буни қилмайдилар. Бу эса Қоидаларнинг 93-94-бандларини бузишдир.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш дастаклари сифатида Қўмита ходимлари мурожаатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; мурожаат қилиш (арз этиш) учун сабаб бўлиб хизмат қилган далиллар (аломатлар) бўйича тушунтиришлар олиш; зарурат бўлганда – текширишлар ўтказиш (фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларнинг розилиги билан); истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилганда таъминотчиларга кўрсатмалар бериш; қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; семинарлар ташкил этиш, таъминотчилар, бошқа манфаатдор идораларни жалб этган ҳолда масалаларни давра суҳбатида муҳокама қилиш ва бошқа ишларни амалга оширяпти.

Дарвоқе, жорий йилнинг 1 июнида биз аҳолини электр энергияси билан таъминлаш ва «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни давра суҳбатида муҳокама қилдик. Унинг ишида Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзстандарт» ва «Ўзкоммунхизмат» агентликлари, Адлия вазирлиги ва бошқа идораларнинг ходимлари иштирок этдилар. Учрашув доирасида тарафларнинг ўзаро муносабатлари муаммолари тилга олинди, уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар таклиф қилинди. Улар орасида – Қоидаларга электр энергиясининг истеъмоли устидан назорат ва улар ҳисоб-китобларини такомиллаштиришга тааллуқли; ҳисоблагич асбобларининг кўрсаткичларини назорат қилиш билан боғлиқ; шартномавий мажбуриятларга риоя этиш; электр энергияси учун асоссиз ҳисоблашларга йўл қўймаслик чораларини кўриш; электр энергиясидаги танаффуслар тўғрисида истеъмолчиларни хабардор қилиш зарурати билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш ва бошқа масалалар бор. Кадрлар муаммоси кескинлигини ҳисобга олиб, электр тармоқлари корхоналари учун ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

КУЧЛАНИШ ОШИБ КЕТИШИ НАТИЖАСИДА МАИШИЙ ТЕХНИКА БУЗИЛСА...

Истеъмолчилар тез-тез мурожаат қиладиган масалалардан бири – электр тармоғида кучланишнинг ошиб кетиши (сакраши). У электр маиший техникани сафдан чиқаришга қодир бўлган хавфли вазиятдир. Бир тарафдан, сабаб ускуна, тармоқларнинг эскиришида бўлиб, натижада электро энергиясининг сифати лозим даражада эмас. Электр энергияси эса давлат стандартлари билан белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Ушбу ҳолда масала комплекс тарзда ҳал қилинади: бир қатор идораларни жалб этган ҳолда экспертиза ўтказилади.

Тўғри, агар техника таъминотчининг айби билан ёниб кетса, истеъмолчининг буни исботлаши жуда қийин бўлади. Унга етказилган зарар учун компенсация олишга суд орқали эришиш мумкин. Бизга тез-тез қўнғироқ қилиб, бундай ҳолларда нима қилиш, далолатномани қандай қилиб тўғри тузиш, қаерга мурожаат қилиш кераклигини сўрашади.

Биз ушбу масалаларни Урганч ва Тошкент шаҳарлари фуқароларининг мурожаатлари бўйича ўргандик, ўшанда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини камситиш далиллари аниқланган эди. Масалан, тармоқда энергия ошиб кетган вақтда фуқароларнинг электр ҳисоблагичлари ишдан чиққан. Таъминотчи-

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

лар абонентларга юклаб қўя қолдилар: уларнинг ўзлари сотиб олишсин ва ўрнатишсин. Биз таҳлил қилиб чиқиб, ХЭТК ходимларининг айби яққол кўриниб турганлигини аниқладик, шундан кейин улар истеъмолчиларнинг ҳисоблагич асбобларини алмаштирдилар.

Нукус фуқаросининг телевизори кучланишнинг кескин ошиши натижасида куйган, бу ҳақда электр таъминоти ташкилоти ходимларининг иштирокида далолатнома тузилди. Бироқ таъминотчи зарарни қоплашга интилмади. Қўмитанинг ҳудудий органи аралашгандан кейин истеъмолчининг телевизори электр таъминоти ташкилотининг ҳисобига таъмирланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бундай ҳолларда истеъмолчиларнинг ҳаракатларини назарда тутадиган аниқ регламент мавжуд эмас. Бироқ мавжуд амалиётни ҳисобга олган ҳолда қуйидагини тавсия қилиш мумкин: биринчи навбатда фуқароларнинг мол-мулкига зарар етказилганлиги тўғрисида далолатнома тузиш лозим. Далолатнома ТЭТ, ХУМШ (агар бу нарса кўп қаватли уйда юз берган бўлса), маҳалла қўмитаси вакиллари ҳозирлигида тузилади. Унда электр таъминоти тизимининг балансга мансублигини бўлиш чегараларидан келиб чиқиб, бунинг натижасида электр ошиб кетишининг ҳақиқий сабабини аниқлаш лозим. Истеъмолчи маиший техникани таъмирлаш устахонасига мурожаат қилиб маълумотнома олиши керак, унда етказилган зарарнинг миқдори: ишдан чиққан электротехника эҳтиёт қисмлари, таъмирлаш хизматларининг қиймати кўрсатилиши керак. Зарурат бўлганда экспертларни (Ўздавэнергоназорат, Ўзстандарт), шунингдек мустақил кузатувчиларни (Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти) жалб этиш мумкин. Истеъмолчи шуни ёдда тутиши лозимки, Шартноманинг 6.1-бандига кўра, унинг шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни айбдор тараф жабрланган тарафга қоплаши керак. Агар техника ҲЭТКнинг айби билан ёпганлигини аниқлашга муваффақ бўлинса, таъминотчилар зарарни ўз ҳисобларидан қоплашлари лозим.

Ижарачилар, турар жой ва нотурар жойларнинг мулкдорлари тармоқда электр кўпайиб кетишига олиб келишлари мумкин. Бунга электр тармоқларига савдо ва маиший шохобчалар эгаларининг электр қурилмалари (катта қувватли двигателлари), кабелларини ноқонуний улашлар имкон яратади. Электр қурилмаларини кўп квартирали уйларнинг нотурар жойларида, уларга қурилмаларда, атроф ҳудудда жойлаштириш мумкин. Бунда урганчлик истеъмолчи аёлнинг мурожаатини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг квартирасида электр тармоғидан кучланиш жуда паст – қарийб 170-185 В эди. Бунинг сабаби айни ноқонуний улашда бўлиб чиқди. Ушбу масала энергия таъминоти ташкилоти, Ўзстандарт, Ўздавэнергоназорат вакиллари билан ҳамкорликда ҳал этилди. Тадбиркорлик субъектлари электр тармоқларига электр қурилмаларнинг янги ёки қўшимча қувватларини улашга ҳақлилар, бироқ фақат қонуний асосда, бунда техник шартларни олган ҳолда шундай қила оладилар. Дарвоқе, Қоидаларнинг 19-банди **техник шартларни,** шу жумладан қўшимча шартларни **бериш** барча истеъмолчилар учун **тўлов ундирмасдан амалга оширилади.**

Қоидаларда *(7-банд)* истеъмолчига ўзига тегишли электр тармоқларига, рухсат этилган қувват миқдори даражасида, кучланиши 1 000 вольтгача бўлган қўшимча электр қурилмаларини улаш ҳуқуқи берилган. Кўпинча шундай манзарани кўриш мумкин: уйда яшовчилар квартирани таъмирлайдилар, электр қурилмаларига ўзбошимчалик билан уланиб, пайвандлашни амалга оширадилар. Натижада кучланиш ошиб кетади, қўшниларнинг уйларида техника, кабель ёниб кетади.

Бундай ўзбошимчалик нохуш ҳолларга олиб келмаслиги учун пайвандлаш ишларини ўтказишга ҳам ҲЭТКдан рухсат олиш керак.

Акс ҳолда таъмирлашни бошлаган фуқаро ишдан чиққан музлаткичлар, телевизорлар, бошқа аппаратлар учун жавобгар бўлишга тўғри келади. Яъни сўз аҳолининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан хабардор эмаслиги тўғрисида боряпти.

Электр тармоқларга ноқонуний уланишлар масаласини таъминотчилар назорат қилишлари керак. Қоидаларнинг 128-бандида белгиланишича, электр тармоқлар корхоналарининг мажбуриятига электр тармоқларини бўлиш чегарасида электр энергиясининг ҳисобга олинмаган истеъмолини аниқлаш киради. Бироқ баъзан ҲЭТК ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари ҳам истеъмолчиларга катта зарар етказган ҳолда кучланишнинг ошиб кетишига олиб келади. Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида инспектор текшириш вақтида 2 та тўламаган фуқарони деб бутун йўлакни электр энергиясидан узиб қўйди. Натижада кучланиш ошиб кетди – йўлакда яшовчиларда маиший техника ишдан чиқди. Инспектор жазоланди – у ишдан бўшатилди. Унинг ҳозир қаердалигини ҳеч ким билмайди. Бироқ зарарни қоплаш учун компенсацияни ҲЭТКдан талаб қилиш лозим.

Яна бир жиҳат. Кучли шамол вақтида дарахтлар электр узатиш симларига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли ҲЭТК ходимлари вақти-вақти билан ўзларига тегишли бўлган ҳаво тармоқларини кўздан кечиришлари, авариявий вазиятларга йўл қўймаслик учун дарахтларнинг шохларини қирқишлари керак. Бу нарса Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларида[2] назарда тутилган, уларга кўра электр узатиш ҳаво линиялари трассаси вақти-вақти билан шох-шаббалар ва дарахтлардан тозалаб турилиши ҳамда хавфсиз ҳолатда сақланиши керак. Симларга жуда яқин бўлган дарахтларни ҳаво электр тармоқларидан фойдаланадиган ташкилот қирқиб туради. Дарахтларнинг шохларини ҳаво линияларининг симларига 1 метрдан кўпроқ яқинлаштиришга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, ҳаво линияларидан фойдаланиш уларга техник хизмат кўрсатиш ва

[2]*Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига (Ўздавэнергоназорат бошлиғининг АВ томонидан 9.07.2004 йилда 1383-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 1-илова.*

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

пухта ишлашларини таъминлашга қаратилган таъмирлашларни (жорий ва мукаммал) ўтказишни назарда тутади. Афсуски, амалиётнинг кўрсатишича, ҲЭТК ходимлари ҳар доим ҳам белгиланган талабларга риоя этавермайдилар.

Тошкентнинг Сергели туманида айни шу сабабли электр тармоқлари шикастланди. Натижада кучланиш ошиб кетди, техника куйди. Бироқ, Қўмитага мурожаат қилган истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қила бориб, унинг ўзи қоидани бузганлигини аниқладик. Тўғри, ана шу вазиятда эмас. Электр таъминоти ташкилотининг рухсатисиз у катта юкламадан фойдаланиш, қудратли электр қурилмаларини улаш имконини берадиган уч фазали кабелни ўтказган. Мазкур ҳол кучланишнинг ошиб кетишига таъсир қилмади (бунга айбдор ҲЭТК эди). Шундай бўлсада, бу нарса Қоидаларни бузиш бўлиб, истеъмолчи ҳам жавобгарликка тортилиши керак.

Кучланишнинг ошиб кетишлари билан боғлиқ масалаларда кўп қаватли уй-жойларга тааллуқли бўлган муҳим жиҳатга тўхталмоқчиман. Аниқроқ айтсак – уй ичидаги электр тармоқлари ва ускуналарига. Бунинг учун пойтахтдаги Чилонзор, Юнусобод ва Сергели туманлари аҳолисининг мурожаатлари асос бўлиб хизмат қилди, уларда кучланишнинг узоқ вақт ошиб-камайишлари, қисқа муддатли узиб қўйишлар, бунинг оқибатида маиший техника ишдан чиқиши таъкидланган. ҲЭТК ходимларини жалб этган ҳолда мурожаатларни ўрганиш шуни кўрсатдики, бунга фойдаланувчи ташкилот (мазкур ҳолда ХУМШ)нинг уйдаги умумий электр тармоқлари ва ускуналарига хизмат кўрсатиш қисмида белгиланган меъёрий талабларга риоя этмаганлиги сабаб бўлган. Хусусан, шчитларнинг техник ҳолати электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаларига мувофиқ бўлмаган. Квартиралардаги авариявий вазиятларни ерга улаш контури мавжуд эмаслиги, сақлагичларнинг автоматлари калибрланмаганлиги ва эрувчан вставкаларининг йўқлиги келтириб чиқариши мумкин эди.

Афсуски, маблағларнинг етишмаслиги, шунингдек ХУМШ баъзи раҳбарларининг совуққон муносабати туфайли электр қурилмасининг профилактикаси ва таъмирланиши бўйича зарур ишлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмаган, бу эса уйнинг нормал электр таъминотига салбий таъсир кўрсатади. Ҳолбуки Қоидаларда *(101-банд)* аниқ қилиб кўрсатилганки, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан истеъмолчиларга қадар бўлиш чегарасидан бошлаб электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш билан боғлиқ, уйдаги умумий ва уй ичидаги электр тармоқларининг лозим даражадаги техник ҳолати ҳамда уларга хизмат кўрсатишни таъминлаш учун жавобгарлик хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-хизматлар – фойдаланиш ташкилотлари зиммасига тушади. Қийинчиликларга қарамай ушбу муаммони ХУМШ ҳал қилиши, бунда фуқаролар билан бир ёқадан бош чиқариши керак.

НИМА УЧУН ТЎЛАЙМИЗ?

Электр таъминоти соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузишларга доир мурожаатлар таркибида учдан бир қисмини кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ ундирилиши, асоссиз ҳисоблаб ёзилган қарзлар тўғрисидаги аризалар ташкил қилади. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари томонидан бундай вазиятлар ўрганилди. Бу иш электр тармоқлари корхоналарининг вакиллари билан биргаликда ўтказилди. Қўмитанинг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси бу масалани икки туманда ўрганди: Сардоба туманида 55, Мирзаобод туманида 38 истеъмолчи диққат марказида бўлди. Ушбу иш натижалари бўйича 93 истеъмолчидан 88 нафарида электр истеъмоли учун асоссиз ҳисобланган 47 млн сўм қарз аниқланди. Аниқ мисол келтираман. Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи истеъмолчида, 2012 йил 1 апрелга келиб, электр таъминоти ташкилотининг маълумотларига кўра қарз 481 минг сўмни ташкил қилган. Тўлов қоғозлари, ҳисоблагич кўрсаткичларини ўрганиб, Қўмитанинг ҳудудий бошқармаси ходимлари ҳақиқатда қарз 29 минг сўмни ташкил қилишини аниқладилар. Кўринадики, фуқарога у истеъмол қилмаган электр энергияси учун асоссиз равишда 452 минг сўм ҳисобланган ҲЭТК ходимлари ҳақиқий истеъмол – ҳисоблагич кўрсатувларига қараб эмас, балки ўртача ойлик тарифга кўра ҳисоблаб ёзганлар. Республиканинг бошқа минтақаларида ҳам худди шундай вазиятлар юз берган. Тўловни асоссиз ҳисоблаб ёзишлар билан боғлиқ вазиятларни ўрганиш натижасида истеъмолчилар билан қайта ҳисоб-китоблар қилинди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗИШ ТЎҒРИСИДА ИСТЕЪМОЛЧИГА ХАБАР БЕРИЛИШИ КЕРАК!

Истеъмолчиларнинг мурожаатлари орасида электр энергиясини узишларга доир шикоятлар кўп. Аввало улар шуни билишлари керакки, Қоидаларга мувофиқ *(128-банд)* таъминотчилар Шартномада кўрсатилган ҳажмда электр тармоқлар баланс мансублиги чегарасига электр энергиясини узлуксиз етказиб беришлари шарт. ҲЭТКлар ҳам ўз объектларида стандартлар билан белгиланган электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини таъминлашлари керак.

Электр энергиясини турли сабабларга кўра узиб қўйишлари мумкин. Ушбу масалани қонун ҳужжатлари қандай тартибга солади? Қоидаларнинг 2-банди режали узиб қўйишлар мумкинлигини назарда тутади. **Режали узиб қўйиш** деганда электр тармоқлари корхонасининг электр қурилмаларини **таъмирлаш ёки профилактика қилиш даврида** истеъмолчига электр энергияси беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш тушунилади. Қоидаларга кўра *(2, 128-бандлар)* бундай ишлар истеъмолчиларни **олдиндан огоҳлантирган ҳолда** (камида 3 кун олдин) жадвал бўйича ўтказилиши керак. ҲЭТК электр энергияси етказиб беришни тўхтатиш ва унинг сабаблари ҳақида хабардор қилиши; уни жорий этиш ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда жорий этиладиган чеклашлар тўғрисида олдиндан маълум қилиши шарт. Электр энергияси етказиб беришни чеклашлар форс-мажор ҳолатлари бўйича электр тармоқларидаги авариявий режимларда юзага келиши мумкин. Электр энергиясини чеклаш ёки узиб қўйиш билан боғлиқ масалалар Қоидаларнинг X бўлими-

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

да батафсилроқ тартибга солинган.

Қўмита ҳудудий органларининг ходимлари ушбу масалани ўргандилар. Афсуски, режали узиб қўйишлар борасида истеъмолчиларни ўз вақтида хабардор қилиш талабига амалда риоя этилмаяпти. Самарқанд, Бухоро вилоятларида ва республиканинг бошқа минтақаларида ўтказилган вазият таҳлили буни тасдиқлади. Режали узиб қўйишлар, етказиб беришни тўхтатиш тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаслик ҳаққоний равишда истеъмолчиларнинг норозилигини туғдирди.

Кўпинча электр энергиясини узиб қўйиш куз-қиш даврида, совуқ бошланиши билан юз беради. Бунинг асосий сабаби шундаки, уйларда иссиқликнинг йўқлиги ёки иситиш тизими ишининг сифатсизлиги туфайли яшовчилар электр асбоблари ёрдамида исита бошлайдилар. Тизимни иссиқлик билан ортиқча тўлдириш юз беради, у эса бундай юкламаларга мўлжалланмаган, натижада у автомат тарзда узиб қўйилади.

Ушбу муаммонинг бошқа жиҳатини олайлик. Қишда навбатма-навбат жадвал бўйича узиб қўйишлар юз беради. Электр энергиясини узатишдаги ушбу чеклашлар мажбурий чора бўлиб, лимитдан кўп истеъмол қилинганида у амалга оширилади. Ушбу махсус жадваллар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишиб олиниши, истеъмолчилар эса узиб қўйишлар тўғрисида хабардор қилиниши керак. Бироқ бу нарса амалда қилинмайди. Мана биргина мисол. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани баъзи фуқаролар йиғинларида жадвал бўйича узиб қўйишлар суткада 30 дақиқа қилиб белгиланган. Амалда эса у 28-31 мартда суткасига 12-14 соатни ташкил қилган.

Муаммони макродаражада ҳал қилиш лозим. Аввало эскирган тармоқлар ва ускуналарни модернизациялаш, бу нарса аста-секин қилиняпти, кўп квартирали уй-жойларда иссиқлик хўжалигини тартибга келтириш керак. Коммунал маҳсулотлар ўз вазифасига кўра ишлатилиши керак: иссиқлик энергияси – иситиш учун, электр энергияси эса – ёритиш учун. Шундай қилинганда бизда узиб қўйишлар билан боғлиқ муаммолар бўлмайди.

ТЎЛОВ ЎЗ ЖОЙИГА КЕЛИБ ТУШМАДИ

Кўп фуқаролар электр энергияси ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловларни банк бўлинмалари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта бўлимлари ва аҳолидан тўловни қабул қилиш пунктлари орқали амалга оширадилар. Аҳолидан тўловни қабул қиладиган тараф тўланган тўлов ҳужжатларини комплектлар, электрон реестрларга тўплайди. Бунда, Қоидаларнинг 115-банди белгилашича, аҳолидан тўловни қабул қилиб олувчи ташкилотлар, Шартномада белгиланган муддатларда, электр энергияси учун тўлов сифатида келиб тушган пул маблағларининг ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига ўтказилишини таъминлаши шарт.

Ушбу масаланинг Қўмитанинг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ўрганилиши жиддий муаммони ёритди. Марзаобод туманида 2011 йилда почта бўлимлари орқали 157 млн сўм қабул қилинган. Почта ходимлари ҳужжатларни лозим даражада расмийлаштирмаганликлари туфайли таъминотчига ўтказилган маблағлар истеъмолчиларнинг шахсий ҳисобварақларига қайд этилмаган. Бундай масъулиятсизлик натижасида жуда катта сумма ҳавода осилиб қолди, абонентларда сохта қарздорлик пайдо бўлди. Бу фақат бир тумандаги аҳвол. Шартномага кўра ҲЭТК ходимлари ҳафтада 3 маротаба тилхат олиб квитанцияларни қабул қилишлари, ўтказилган тўловларни солиштиришлари керак, бироқ бу нарса қилинмади. Таҳлил натижалари бўйича 157 млн сўм истеъмолчиларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказилди. Бироқ бундай амалиёт республиканинг бошқа минтақаларида ҳам мавжудлиги истисно эмас.

НАЗОРАТМИ ЁКИ ВАКОЛАТЛАРНИ ОШИРИШ?

Коммунал маҳсулотлардан фойдаланишни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш, текшириш, назорат қилиш билан боғлиқ масалалар бугунги кунда ҳаммани қизиқтиради. Мамлакатда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш лойиҳалари амалга ошириляпти. Электр таъминоти соҳасида аҳоли кўпинча ҲЭТК инспекторларининг ўз ваколатларини оширишлари, қонун ҳужжатларини бузишлари, ўзларини катта тутишларидан шикоят қилади. Масалан, улар уйдаги электр асбоблар, розеткалар сонини аниқлаб, чинакам тинтув ўтказишлари мумкин. Ёки битта-иккита тўламаган фуқарони деб бутун йўлак квартираларидаги электр энергиясини узиб қўядилар. Кўпинча айланиб чиқишлар иш вақтида ўтказилади. Инспекторлар эшикни очмаганларнинг ҳаммасининг, уй эгаси уйда ёки ишда эканлигини аниқламай туриб, электр энергиясини узиб қўйиш ҳоллари учрайди. Бунда кўпинча ҳалол тўловчилар азият чекадилар.

Масалан, энергия таъминоти ташкилоти ходимлари, ҳеч қандай огоҳлантириш ва билдиришларсиз, Чилонзор ва Яккасарой туманларидаги қарзи бўлмаган фуқароларни электр энергиясидан узиб қўйганлар. Уларнинг ҳисоблагич асбобларида қонунбузарлик ҳоллари борлиги тўғрисидаги важлар тасдиқланмади. Кейинроқ ҲЭТК маъмурияти етказилган ноқулайликлар учун узр сўради, қонунбузарликка йўл қўйган ходимлар жазоланди, бироқ истеъмолчилар бир муддат электрсиз ўтиришга мажбур бўлдилар. Ёки яна бир мисол. Пойтахтлик фуқаронинг қарзи бўлмасада уни электрдан узиб қўйибгина эмас, балки ҳатто тармоқларга қайта уланиш учун ҳақ тўлашига ҳам эришдилар. Қўмитанинг текшируви давомида асоссиз ундирилган тўлов истеъмолчининг шахсий ҳисобварағига ўтказилди.

Бу борада Қоидаларда нима дейилади? 110-бандда белгиланишича, ҲЭТК вакили, тегишли ҳаракат муддати кўрсатилган гувоҳномаси бўлганида, соат 8.00 дан 20.00 гача ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб асбобларини тўсиқсиз текшириш ҳуқуқига эгадир. Демак, истеъмолчилар айланиб чиқиш ёки назорат текшириши вақтида инспекторни уйга киритишга мажбурлар. Бунинг устига, Қоидаларга

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

кўра *(129-банд)* ҲЭТК вакили ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб асбобларига қўйилмаган тақдирда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергиясини истеъмолчига етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиши мумкин ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермайди. Албатта, инспектор қандай сабаб билан унга эшик очишмаганлигини билиши керак: фуқаро балки ишдадир ёки уйда бўлиб, у билан учрашувдан қочаётгандир. Акс ҳолда бу нарса Қоидалар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузиш бўлади.

Бироқ истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам кўпинча электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш билан боғлиқ қонунбузарликларга йўл қўядилар. Булар – ҳисоблагич асбоблар ишига аралашиш, пломбаларни бузиш. Бундай ҳаракатлар учун жавобгарликни Қоидаларнинг 120-банди тартибга солади. Унда айтилишича, маиший истеъмолчида амалдаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадида ҳисобга олиш асбобини улаш чизмаси ўзгартирилгани, унинг (истеъмолчи айби) билан бузилгани ёки йўқлиги, пломбалар кўчирилгани, электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш асбобидан ташқари уланган ва бошқа қоида бузилишлари аниқланган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси охирги текшириш кунидан бошлаб ўтган (лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган) давр учун маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт. Назоратчилар томонидан кўрсатилган қонунбузарликлар аниқланганда далолатнома расмийлаштирилиши керак, унга асосан ҲЭТК қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Қоидаларнинг 121-банди Қоидаларни бузган тақдирда қайта ҳисоб-китобни амалга ошириш механизмини тартибга солади. У ёритиш электр қабул қилгичларнинг қуввати ва улардан фойдаланиш соатлари сонига қараб амалга оширилади: маиший истеъмолчида штепсель розеткалари бўлганида (розеткалар ва электр қабул қилгичларнинг сонидан қатъи назар) – суткада соатига 600 Вт қувватдан фойдаланиш ҳисоб-китобидан, қуввати 600 Втдан ошадиган иситиш асбоблари ёки бошқа электр жиҳозлари бўлганда – ундан суткада 24 соат фойдаланиш ҳисоб-китобидан келиб чиқиб маиший истеъмолчи фойдаланишида бўлган электр қабул қилгичларнинг ҳақиқий қуввати бўйича.

Қўмитанинг ҳудудий органлари ҳам ушбу масалани ўргандилар. Хусусан, Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганда электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш билан боғлиқ қайта ҳисоб-китоб қандай ўтказилганлигини аниқлади. Эътибор маркази-га 1 496 истеъмолчи тушди. Натижада қайта ҳисоб-китоб чоғида ҳисобланмалар анча оширилганлиги аниқланди. Масалан, Термиз шаҳар ЭТК абонентларни 49,9 млн сўм миқдорида асоссиз қайта ҳисоб-китоб қилган. Андижон вилоятининг Избоскан туманида бир фуқарога асоссиз қайта ҳисоб-китобларнинг ўзи 1,47 млн сўмни ташкил қилди. Республиканинг бошқа минтақаларида ҳам худди шундай вазиятлар кузатилди. Самарқанд вилоятида танлаб олиб текшириш натижасида ҳисоблагичлардан фойдаланиш билан боғлиқ ноқонуний қайта ҳисоб-китоблар 10 млн сўмни, Фарғона вилоятида қарийб 60 млн сўмни ташкил қилди. Албатта, истеъмолчилар Қоидаларни бузганлик учун жавобгар бўлишлари керак, бироқ қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда. Таъминотчилар ўз ваколатларини ошириб юбормасликлари керак.

Ушбу масалаларни ўрганиш доирасида биз жиддий муаммога эътибор қаратдик. Қоидаларнинг 120-бандида белгиланишича, истеъмолчининг электр ҳисоблагичларида шикастланиш, пломбанинг йўқлиги ёки кўчирилганлиги аниқланганда ҲЭТК охирги текшириш кундан бошлаб қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт. Афсуски, электр тармоқларининг ноҳалол ходимлари ушбу меъёрни ўзлари хоҳлагандек талқин қиладилар ва қўллайдилар, шу боис у янада аниқроқ талқин қилиниши шарт. Масалан, охирги текшириш қачон бўлган, у қанча муддатда ўтказилиши керак? Айтайлик ҲЭТК ходими бир йил аввал айланиб чиққан ёки текшириш ўтказган. Абонентнинг йўқлигида у ҳисоблагичнинг шикастланганлигини аниқлади, уни бундан хабардор қилмади, айни шу пайтдан бошлаб унга қоидаларни бузганлик учун ҳисоблашлар бошланади. Бу эса жуда катта суммаларга айланиб кетди.

Шу сабабли бунда бир қатор саволлар юзага келади. Масалан, ҳисоблагичдан фойдаланишни текшириш айланиб чиқишдан нима билан фарқланади? Уларни ўтказиш даврийлиги қандай? Агар саноат истеъмолчилари учун ҳисоблагич кўрсатишларини олиш даврийлиги 1 ойни ташкил қилса *(Қоидаларнинг 4-банди)*, маиший истеъмолчилар (жисмоний шахслар) учун бу заруратга қараб, ҲЭТК хоҳиши ёки истеъмолчининг аризасига кўра амалга оширилади. Айланиб чиқишлар ва текширишларни ўтказиш вақтида инспекторлар қандай ваколатларга эга? Қоидаларда бу масалалар ҳал этилмаган. Шу сабабли биз «Ўзбекэнерго» ДАК, Ўздавэнергоназорат билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасига ушбу тушунчаларни аниқлаштириш ва уларни ҳужжатга киритиш тўғрисида таклифлар киритдик. ҲЭТК ходимлари томонидан (айланиб чиқиш ёки текшириш) электр энергияси ҳақиқатда истеъмолчининг кўрсатишларини камайтириш мақсадида ҳисоб асбобларида қонунбузарликлар аниқланганда 2 нусхада далолатнома тузиш – уларнинг бирини абонентга бериш таклифи ҳал қилинди. Ҳисобга олинмаган энергия қийматининг ҳисоб-китоби далолатнома асосида амалга оширилиши керак. Визуал аниқланадиган қонунбузарликлар чоғида – ҲЭТК ходимлари томонидан охирги **айланиб чиқилган** кундан бошлаб, визуал белгиланмаганда – охирги **текшириш** кунидан бошлаб.

Текширишни ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ваколат берилган шахс амалга оширади. ҲЭТК ходими абонентга кўз билан кўрилмайдиган ҳуқуқбузарликни аниқлаш имконини берадиган техник воситалар, дастаклар билан келиши керак.

Коммунал соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганганда кўпинча шу жумладан электр энергиясини етказиб берувчилар масалани аниқлаш, истеъмолчини унинг

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

қонуний ҳуқуқларида тиклаш, хушёқмас ходимларини масъулиятли бўлишга чақириш ўрнига истеъмолчида ҳуқуқбузарликларни фаол излашга киришадиган вазиятга дуч келамиз. Масалан, абонентга асоссиз равишда қарз ҳисобланди. Таъминотчи нима қилиши керак? Дастлаб нима учун шундай бўлганлигини аниқлаш, ўз ходимларининг ҳаракатларига баҳо бериш, уларни жазолаш керак. Бироқ амалда истеъмолчини сиқиш бошланади. Таъминотчилар айни абонентга юклаб, ўзлари жавобгарликдан қутулиб қолиш учун бор кучлари билан важ қидира бошладилар. Бу улар ишининг амалиётидан ўрин олган. Бунда шундай бўладики, аввалги айланиб чиқишлар ёки текширишлар пайтида ушбу абонентда ҳеч қандай қонунбузарликлар аниқланмаган, бу ҳақда далолатномалар тузилмаган.

Электр таъминоти ташкилоти ходимлари томонидан тузиладиган далолатномалар тегишли тарзда тўлдирилмаганлиги хусусида кўп далиллар мавжуд. Уларда аниқланган қонунбузарликлар тўғрисидаги ахборот акс эттирилмайди, баъзан нотўғри маълумотлар киритилади, истеъмолчиларнинг имзолари бўлмайди, баъзан далолатномалар абонентларга топширилмайди.

Масалан, 2011 йил июлда энергия таъминоти ташкилоти инспектори зинапоя майдончасидаги ҳисоблагични кўздан кечириш чоғида пломба бузилганлиги тўғрисида далолатнома тузди. Бу иш истеъмолчининг иштирокисиз қилинди. Далолатномада у фуқаро имзо чекишдан бош тортганлигини кўрсатди. Истеъмолчи бехавотир яшар, ҳеч нарсадан хабари йўқ эди, бунинг устига 2 ой аввал ҲЭТКнинг бошқа ходими фуқаронинг иштирокида ҳисоблагични кўздан кечириб, ҳеч қандай ҳуқуқбузарликни қайд этмаган эди. 10 ойдан кейин абонент ҲЭТК аниқланган ҳуқуқбузарлик бўйича суммани ундириш учун судга даъво аризаси берганлиги тўғрисида хабарнома олди. Ҳисоблагични эксперт текшириш ўтказилди, унинг натижасида пломбанинг изи белгиланган меъёрларга мувофиқ келмаслиги аниқланди. Қайта ҳисоб-китоб бўйича охирги текшириш пайтидан бошлаб ўтган давр, ҲЭТКнинг фикрича, 15 ойни ташкил қилган. Муҳокама давомида у 2 ойдан ошмаганлигини исботлашга муваффақ бўлинди. Натижада истеъмолчи далолатномада аввал-бошдан ҳисоблаб қўйилганига қараганда 6,5 баравар кам тўлади.

Бу ерда кадрлар масаласи кескин бўлиб туради – инспекторлар кўпинча ўз ваколатларини ошириб юборадилар. Шу сабабли энергия таъминоти корхонаси ноҳалол истеъмолчилар билан виждонсиз инспекторларнинг «бирлашишига» йўл қўймаслик учун кадрларни бир томондан иккинчисига ўтказиб туради. Бироқ бу аҳволни жиддий равишда ўзгартирмайди. Истеъмолчи у билан масалани «ҳал қилган» эски инспектор ўрнига янгиси келади ва муаммолар бошланади. Истеъмолчига улкан сумма ҳисобланади, келишиб олиш мумкинлиги шама қилинади ва яна эски ҳол бошланади. Бу иллатли доирани қандай қилиб бузиш мумкин? Бу – жиддий муаммо, у хизматларни етказиб берувчиларни обрўсизлантиради, обрў-эътиборларини ерга уради, тармоққа зиён етказади. Бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, суиистеъмол қилиш далилларини ошкор қилиш, кенг омма эътиборига етказиш, истеъмолчилар учун «ишонч» телефонларини ташкил этиш электр таъминоти тизимида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш уни ҳал этиши мумкин. ●

Хорижий тажриба

ЕВРОПАЧА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ

Европада кўп квартирали уй-жой фондининг капитал таъмирланишини қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш ва молиялаш масаласи аллақачон ҳал этилган. Хусусийлаштирилган уй-жой фондини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда реновацияда (капитал таъмирлаш ва турар жой биноларини замонавий талабларга мувофиқ ҳолатга келтириш, шу жумладан энергиядан самарали фойдаланиш) анча муваффақиятга эришган мамлакатларда қонунчилик изга солинган, изчил давлат ва муниципал сиёсат юритилади, уй-жой мулкдорларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари мавжуд.

Хусусийлаштирилган уй-жой фондини реновациялашнинг энг илғор тажрибасига эга мамлакатлар қонунчилигида кўп квартирали уйдаги хоналар мулкдорлари ўз хоналари ва ундаги умумий мол-мулкни лозим даражада тутиб туриш харажатларини зиммаларига олишлари белгиланган. Давлат (муниципалитет) квартираларни фуқароларга мулк қилиб бериши билан уйни капитал таъмирлаш учун жавобгарликни ўзидан соқит қилади. Ҳар бир уйдаги хоналар мулкдорлари таъмирлаш жамғармасини барпо этишлари керак, уйни таъмирлаш ва ҳолатини яхшилашга доир бошқа тадбирлар билан боғлиқ барча харажатларни унинг ҳисобига бажаришлари шарт. Бунда давлат ва муниципалитетлар мулкдорлар зиммасидаги молиявий харажатларни енгиллаштирувчи, уларни ўз ва қарз маблағларини уйларни таъмирлаш ва энергиядан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтиришга рағбатлантирувчи чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиб, амалга оширадилар. Ушбу чора-тадбирларга кўпинча квартиралар мулкдорлари учун (ширкатлар ва бошқарув

➡

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ташкилотлари орқали) ўз уйларини реновациялаш учун кредитлар ва турли хил субсидиялар олиш имконини яратиш киради.

Уйдаги хоналар мулкдорларининг ўз маблағларидан кредит билан биргаликда фойдаланиши уйни таъмирлашни молиялашдаги энг кенг тарқалган амалиёт ҳисобланади. Капитал таъмирлаш ҳақидаги қарорни, ишлар рўйхати ва таъмирлаш қийматини мулкдорларнинг ўзлари ширкат ёки бошқарувчи компания таклифига кўра қабул қиладилар. Мулкдорларнинг умумий йиғилиши уйни таъмирлаш жамғармасига мажбурий ойлик бадаллар (тўловлар) миқдорини ҳам белгилайди.

Одатда кредитни олиш учун уйни таъмирлаш жамғармасида унинг режалаштирилган қийматининг камида 10%и бўлиши шарт. Уйни таъмирлаш жамғармасини шу миқдорда шакллантириш имконияти, шунингдек хоналар мулкдорларининг молиявий жиҳатдан интизомлилиги (мажбурий бадаллар ва тўловлар камида 90% ҳажмида йиғилиши керак) банкнинг ширкат ёки бошқарув ташкилотига ишончли қарздор деб қараш имконини беради. Хоналар мулкдорларининг капитал таъмирлашга белгиланган миқдорда ойлик тўлов тўлаш мажбуриятини зиммаларига олиши кредитни қайтариш таъминоти саналади, бу тўлов ширкат ёки бошқарув ташкилотига кредитни қайтариш имконини беради.

Баъзи мамлакатлар – Эстония, Литва, Словакияда кўп квартирали уйларни реновациялашни кредитлашда банкларнинг хатарини камайтириш мақсадида ихтисослаштирилган кафолат агентликлари барпо этилган, улар мақбул даражадаги тўлов эвазига (кафолат суммасининг 1-1,5%и) кўп квартирали уйларни реновациялашга ХУМШ ёки бошқарув ташкилотлари кредитларига кафиллик берадилар. Бундай кафилликнинг мавжудлиги банкка ширкат ёки бошқарув ташкилотига квартиралар ёки бошқа кўчмас мулкни гаровга олмасдан ёхуд айрим мулкдорларнинг кафиллигисиз кредит беришга имкон яратади. Кафолат агентлиги кредит олувчига ва реновация лойиҳасига кафиллик бериш мақсадида талаблар ишлаб чиқиб, шу билан банкларга янги кредит маҳсули ишлаб чиқиш ҳамда янги мижозлар – ширкатлар ва бошқарув ташкилотлари билан ишлаш тажрибасига эга бўлишда кўмак беради.

Кафолат агентлигининг устав капиталига давлат ажратган бюджет маблағларидан кўп бор фойдаланилади, бу капитал таъмирлаш салмоқли миқдордаги бюджетдан ташқари молиявий ресурсларни жалб этиш имконини беради.

Масалан, Эстониядаги KredEx кафолат агентлиги устав капиталида 6 млн евро бўлган ҳолда 2001-2009 йилларда кўп квартирали уйларни капитал таъмирлашга кредитларга доир 12,3 млн евро миқдорида кафиллик берди, айни пайтда KredEx кафолати остида банклар 24,5 млн евро миқдорида кредитлар бердилар.

Банклар кўп квартирали уйларни реновациялашга кредитларга хатари кам кредитлар деб қарай бошлашлари билан аста-секин кафолат агентлигининг кафилликларига эҳтиёж камаяди. Одатда уйда ширкат барпо этилмаган бўлса, кафолат талаб этилади. Масалан, Эстонияда KredEx кафолат агентлиги кафиллиги остида берилган кредитлар улуши 2002 йилда 30%ни ташкил этган бўлса, 2006 йилда кўп квартирали уйларни реновациялашга кредитларнинг умумий ҳажмида атиги 2%ни ташкил этди.

Кредитлар мулкдорларга узоқ вақт маблағ тўплаб, тобора ёмонлашиб бораётган шароитда яшагандан кўра қисқа муддатда уйни хавфсиз, шинам ва энергиядан самарали фойдаланувчи уйга айлантириш имконини беради. Кейинчалик мулкдорлар банкдан олган қарзларини энергия тежаш тадбирлари ўтказилиши натижасида коммунал хизматлар ҳақини тўлаш чоғида ортган маблағлар ҳисобидан ҳам аста-секин қайтарадилар.

Квартиралар мулкдорларини комплекс таъмирлашга рағбатлантириш, бунинг учун ўз ва қарз маблағларини йўналтириш мақсадида кўпгина мамлакатларда бюджет субсидиялари бериш дастурларидан фойдаланилади. Энергия аудити ўтказиш ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, таъмирлаш ва кредитга доир фоизларни тўлашга субсидиялар берилиши мумкин.

Турли мамлакатларда бюджет субсидияларини бериш амалиётида умумий тамойиллар шаклланган. Уйни капитал таъмирлаш (реновациялаш) ҳақида қарор қабул қилиш ташаббуси хоналар мулкдорларидан чиқади, умумий йиғилишда қарор қабул қилинади. Бюджет маблағлари мулкдорлар ёки

улар ваколат берган ташкилотларнинг аризасига кўра одатда рақобат асосида тақдим этилади. Бюджет маблағлари хоналар мулкдорларининг ўзи (ўз ва қарз маблағларидан) ишлар қийматининг муайян қисмини молиялаши шарти ва далилига кўра берилади.

Кўпгина мамлакатларда субсидиялар миқдори таъмирлаш натижасида эришилган энергия тежамкорлигига боғлиқ. Масалан, Эстония уй-жой секторини 2007-2013 йилларда ривожлантириш дастури доирасида кўп квартирали уйни реновациялашга энергия аудити натижаларига кўра тавсия қилинган ишлар мажмуини ўз ичига олувчи реновация лойиҳаси умумий қийматининг 15, 25 ёки 35%и миқдорида субсидия берилиши мумкин. 15% миқдорида субсидия олиш учун реновация натижасида умумий майдони 2 000 кв.м гача бўлган кўп квартирали уйда иссиқлик қуввати истеъмоли камида 20%, умумий майдони 2 000 кв.м дан ортиқ бўлган кўп квартирали уйда камида 30% тежалишига эришиш лозим.

Давлат кафолат агентлигини барпо этиши орқали таъминланган кўп квартирали уйларни капитал таъмирлаш ва модернизациялашга кредитлар олиш имконининг яратилганлиги ҳамда мақсадли бюджет субсидиялари берилиши қисқа муддатда уй-жой фонди ҳолати ва унинг энергия самарадорлиги анча яхшиланишига эришиш имконини берди. Чунончи, 2001–2009 йилларда мулкдорларнинг қарорига кўра Эстониядаги кўп квартирали уйларнинг қарийб 40%ини таъмирлашга киришилди. Натижада кўп квартирали уйлардаги энергия истеъмоли салмоғи йилига 250-270 дан 200 кВтс/кв.м гача пасайди. Ушбу ютуқлардан фойдаланган давлат CO^2 чиқаришга квоталар сотишдан салмоқли маблағ топди, ундан ҳозирда уйларнинг энергия самарадорлигини янада ошириш учун комплекс реновациялашга субсидиялар беришда фойдаланмоқда. ○

Интернет тармоғи материалларидан.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

БАЛИҚЧИЛИК ЕРЛАРИ ҚАНДАЙ СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИ

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигимиз 2003–2010 йиллар оралиғида чорвачилик билан бирга, балиқчилик соҳасида ҳам фаолият кўрсатиб келди. 2011 йилда ихтисослигимиз балиқчиликка ўзгарди. Балиқчиликни ривожлантириш учун сўраб ёзган хатимизга асосан 2011 йилда бизга яна ер ажратилди.

Туман ҳокимининг 2011 йилдаги қарорига асосан балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигимизга умумий 126,6 га ер майдони ажратилган. Ернинг 6,8 га майдонини ариқ ва зовурлар, 0,9 га йўллар, 16,3 га ботқоқлик ва 6 га кўллар эгаллаган. Бизнинг фермер хўжалигимиз тасарруфидаги яйлов ерга қандай тартибда ва қайси ставка бўйича ягона ер солиғи ҳисобланади ёки бу борада имтиёзлар борми?

Ш.Раджапов,
«Антиқа» ф/х раиси.
Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани.

– Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси ягона ер солиғи солиш объекти ҳисобланади. Ушбу ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати Солиқ кодексининг *(СК)* 366-моддасига асосан солиқ солинадиган базадир.

Сизнинг ҳолатингизда ҳокимият қарорида фермер хўжалигига 126,6 га ер майдони ажратилган. Демак, ягона ер солиғи 126,6 га майдондан келиб чиқиб ҳисобланади.

Белгиланган мезонларга мувофиқ ягона ер солиғи тўловчиларига киритиладиган балиқчилик хўжаликлари суғориладиган ерларнинг туман бўйича ўртача норматив қийматидан келиб чиқиб ягона ер солиғини тўлайдилар.

Республика Президентининг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарори билан 2012 йил учун ягона ер солиғи ставкаси норматив қийматга нисбатан 6 фоиз қилиб белгиланган.

Ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кадастр қўмитаси) томонидан белгиланади.

Бундан ташқари шунга эътибор қаратиш керакки, Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерлари меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқномаси 1–2-бандларига кўра қишлоқ хўжалиги ерларининг (шудгор қилинган ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар, бўз ерлар, яйловлар ва пичанзорлар) меъёрий қиймати баҳосини кадастр қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари, корхона ва ташкилотлар чиқарадилар.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий баҳоси чиқарилаётганда уларнинг меъёрий баҳосига ер билан чамбарчас боғланган кўчмас мулк объектлари (яхшилашлар)нинг (қурилмалар, иншоотлар, суғориш ва коллектор-зовур тармоғи, йўллар ва ҳоказо) қиймати киритилмайди.

Шунингдек, Ер кодексининг 64-моддасига кўра йўллар, ариқ ва суғориш тармоқлари, соҳилбўйи ерлари аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига киритилиб, улар муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктириб қўйилмаслиги ҳамда бевосита шаҳар, туман давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрида бўлиши белгиланган. Тегишинча, йўллар, каналлар, ариқлар ва коллекторлар банд этган ер участкаларига қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан ягона ер солиғи солинмайди.

Шундан келиб чиқиб, ҳокимият томонидан сизга ажратилган ер майдонига кадастр бўлими томонидан баҳоланган ўртача норматив қиймат бўйича ягона ер солиғи ҳисоблашда 6,8 га ариқ ва зовурлар, 0,9 га йўлларга ягона ер солиғи солинмайди. Шунингдек, сув ҳавзаларига, яъни 16,3 га ботқоқлик ва 6 га кўллар эгаллаган ер майдонларига ҳам СКнинг 367-моддасига асосан ягона ер солиғи солинмайди.

Жавобни экспертимиз
Мурод МУҲАММАДЖОНОВ
тайёрлади.

АВТОТРАНСПОРТНИ САҚЛАШ КОРХОНАСИ ҚАНДАЙ СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАЙДИ?

Корхонамизнинг (ХХТУТ бўйича коди – 84200) асосий фаолияти суд ижрочилари ва ДИҲХХ ходимлари томонидан ушланган автомобилларни сақлашдан иборат. Автомобиллар майдончада турган кунлар учун шартнома асосида ҳисобрақамга пул кўчириб берилгандан, ДИҲХХ ходимлари тегишли далолатномага уни чиқариш тўғрисида белги қўйгандан кейин майдончадан чиқариб юборилади. Бунда автомашина эгаси машина майдончада турган кунлар учун хизмат ҳақини тўлаб беради. Автомашиналар бир неча ойлаб, айрим пайтларда автоҳалокатга учраган автомашиналар бир неча йиллаб майдончамизда туриб қолади.

Биз автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш учун фойдаланишга ер участкаси бериш тўғрисидаги маҳаллий ҳокимият органларининг қарорига, фискал хотирали НКМга ва пластик карточкалардан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалига эга эмасмиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхонамиз қандай солиқларни тўлаши кераклиги ҳақида тушунтириш берсангиз.

И.Мирзаев,
«Жасур Согда сервис» МЧЖ бош бухгалтери.
Самарқанд шаҳри.

– Вазирлар Маҳкамасининг 5.04.2010 йилдаги «Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 63-сон қарори билан Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Низомда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби, ушбу хизматларни кўрсатувчи юридик шахсларга солиқ солишнинг хусусиятлари ва бошқа масалалар белгиланган. Хусусан, ҳужжатга мувофиқ, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар фақат юридик шахслар томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланишга ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорлари мавжуд бўлганда кўрсатилади.

Бинобарин, 2010 йил 1 майдан бошлаб ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорсиз автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш рухсатнома ҳужжатларисиз фаолият турларини амалга оширишга тенглаштирилади ва жавобгарлик чораларини қўллашга олиб келади.

Чунончи, Солиқ кодексининг *(СК)* 117-моддасига мувофиқ, фаолият турлари билан рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш фаолиятнинг ушбу турларини рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ ЭКИҲнинг 50 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Низомда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш деганда автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари автотранспорт воситаларининг аниқ эгаларига бириктирилмасдан пулли асосда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар тушунилади.

Шунингдек, **автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш** бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирали НКМга ва пластик карточкалардан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалига эга бўлиши керак.

Мазкур фаолият бўйича кўрсатилган пулли хизматлар учун тўлов нақд пул билан ҳам, пластик карточкадан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда ҳам амалга оширилади ва бундан тушган нақд пул тушумлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни банклар кассасига топширилиши лозим.

Ушбу фаолиятни юритувчи юридик шахслар СКда белгиланган тартибда бюджетга қатъий белгиланган солиқ ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим тўлайдилар.

Қатъий белгиланган солиқ ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган майдон учун ҳисоблаб чиқилади. Қатъий белгиланган солиқ бўйича дастлабки солиқ ҳисоботини тақдим этишда унга (ер участкаси олгандан ёки ундан фойдаланиш мақсадлари ўзгаргандан ёхуд ажратилган ер участкаси майдони ўзгаргандан кейин) мазкур фаолият тури учун ажратилган ер участкаси майдонини тасдиқлайдиган ҳужжатлар нусхаси мажбурий тартибда илова қилинади.

Қатъий белгиланган солиқ ставкаси ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимнинг чекланган миқдори, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади. Йиғимнинг аниқ миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади ва чекланган ставкалардан ошмаслиги ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан паст бўлмаслиги керак.

Бинобарин, Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарори 4-бандига асосан 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб ушбу фаолият билан шуғулланадиган барча юридик шахслар мазкур фаолият тури бўйича СКнинг 58-бобида ўрнатилган тартибда қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлаши белгилаб берилган.

Президентнинг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон қарорига 10-иловага кўра, 2012 йил учун автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган:

Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари

Фаолият тури	*Тўловчилар*	*Мазкур фаолият турини характерловчи физик кўрсаткичлар*	*Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (ЭКИҲга бирлик учун каррали миқдорларда)*		
			Тошкент ш.	*Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар*	*бошқа аҳоли пунктлари*
Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш	Юридик шахслар	Эгаллаган майдон (1 кв.м)	0,1	0,09	0,06

Жавобни экспертимиз Ғуломжон ТЎЛАГАНОВ тайёрлади.

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 31 (368) • 2012 йил 7 август

КЕКСАЛАР УЧУН ИПОТЕКА КРЕДИТИ

Барча россияликлар пенсияга чиққунича молиявий жиҳатдан ўзини таъминлашнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Статистикага кўра 45 ёшдан ошган РФ фуқароларининг 57%дан ортиғининг омонати йўқ. Давлат кекса фуқароларга кўмак бериш мақсадида «Тескари ипотека» дастурини йўлга қўймоқда. Ушбу тажриба АҚШдан олинган, унга «Ўз ғиштларингни ейсан» дея топиб ном беришган. Россиялик кексаларга ҳам айни шу таклиф қилинади: банкда уйларини гаровга қўйиб, пенсияга салмоқли устама оладилар. Қарздор вафотидан кейин банк квартирани сотади, бунда иккала тараф ҳам ютади (табиийки, пенсионернинг меросхўрлари бундан мустасно, агар улар бор бўлса).

Уй-жойни гаровга бериш ҳисобига кредит олиш россияликлар учун янгилик эмас, у «қора риэлторлар» касрига ёмон ном чиқаришга улгурди. Улар қарзнинг қайтарилиши учун пенсионернинг ўлимини кутмасдан, у дунёга кетишларига ёрдам берар эдилар. Уй-жой кредитларини қайта таркиблаш агентлиги (УККТА) давлат ниқоби остидаги тескари ипотека буткул бошқа эканлигини таъкидлашмоқда. Пенсионер узоқ яшаб, кредитга оид барча лимитларни олиб бўлса ҳам, уни квартирасидан кўчириб юбормайдилар. Давлат компанияси бунга кафолат беради.

Гап шундаки, мамлакатда пенсияларни ошириш захираси тугади. Россияда пенсионерлар сони ортмоқда, айни пайтда бюджет ва солиқ тўловчилар ҳамёнига босим ҳам ошмоқда.

Айни чоғда кексаларнинг кўпчилиги ҳақиқий хазинага – ислоҳот давригача олинган уй-жойга эгалар. 45 ёшдан ошган россияликларнинг 60%дан ортиғи бир ўзи ёки турмуш ўртоғи билан эгалик қиладиган кўчмас мулкка эга.

Пенсионерларга уй-жой эвазига умрбод рента йўли билан ўз турар жой майдонидан фойда олиш таклиф қилинган эди. Уйни янги мулкдор номига қайта расмийлаштириб, ундан энг кам меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоридан паст бўлмаган рента олиш мумкин. Бундай шартномани имзолаган фуқаро нафақат пенсионерга пул тўлаши, балки хўжалик ишларида унга кўмаклашиши ҳам лозим. Бу яхши, албатта. Бироқ 1990-йилларда квартирани умрбод боқишга айирбошлаш кўпчилик кексалар учун хайрли якун топмади.

УККТА чизмаси мулкдорни уйидан маҳрум қилмаслиги билан фарқланади. Умрбод рентада у аввал собиқ мулкдорни боқиш мажбуриятини зиммасига оладиган янги мулкдорга қайта расмийлаштирилади. Бундай ёрдам қанча тез якун топса, харидор шунча кўп даромад олиши тайин. Тескари ипотека эса аксинча банк учун қулай, чунки кредитор узоқ вақт кафолатли даромад манбаига эга бўлади. Қарздорлар эса барча жараёнларни давлат назорат остида ушлашидан қониқиш ҳосил қиладилар.

Ушбу дастур ишлай бошлайдиган шаҳарларни ҳали танлаяптилар. Аҳолиси 500 минг кишидан ортиқ бўлганлари устувор қўйилади. Банклар Агентлик кўмагида кексаларга кредитлар бериши шартлари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Бироқ тескари ипотеканинг умумий механизмлари маълум. Унга АҚШнинг муваффақиятли тажрибаси асос бўлди. Америкалик кексаларга 20 йил аввал «ўз ғиштларини ейиш» таклиф қилинган, дастур пенсия тизимининг муҳим қисмига айланиб улгурди.

АҚШда барча пенсионерларнинг 3%и ёки унга қобил фуқароларнинг 20% ушбу чизмадан фойдаланадилар. Дастур пенсионерларнинг ўрта тоифасига мўлжалланган – пенсияга чиққандан кейин улар турмуш даражалари пасайишини истамай, қўшимча даромад манбаи олиш учун банкдан кредит оладилар. Бу пенсия ўрнига бериладиган пул эмас, айни қўшимча маблағдир. Кўпинча кредитни уй-жойни таъмирлаш ёки патронаж (парвариш қилиш ҳақи) ёхуд намунавий суғуртага кирмайдиган операциялар учун оладилар. Қарздор эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўлов бир марталик ёки ойлик бўлиши мумкин.

АҚШда тескари ипотека 1976 йилдан кейин қурилган кўчмас мулкка берилади. Кредитнинг энг юқори миқдори мавжуд уй қийматининг 78%идан ошмайди, бироқ ўртача 62% бўлади. Қарздорнинг ўртача ёши 72,9 ёш, кредит миқдори эса 180 минг доллар атрофида. Кредитнинг ўртача ставкаси – йилига 5,7%.

Тескари ипотекани хусусий кредиторлар ҳам таклиф қиладилар, бироқ давлат нархларни назорат остида ушлаб, қарз кўчмас мулк қийматидан ошган тақдирда банкларга давлат кафолати беради. Шунда у банкдан кредитни сотиб олиб, пенсионерни боқишни зиммасига олади. Бу ҳолатда банк пенсионерни кўчага ҳайдаб, уйини сотиб юбора олмайди.

Ушбу чизма Россияда ишлай бошлагунча бир қатор муаммоларни ҳал этиш зарур. МБ ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш лозим, чунки амалдаги қонунчилик қоидаларига кўра кредитга узоқ муддат хизмат кўрсатилмайди ва узоқ муддат хизмат кўрсатиладиган кредитлар «ёмон кредитлар» тоифасига қўшилади. Яшаш жадвалларини – пенсияга чиққандан кейин ўртача яшаш давомийлигини ҳам ҳисоблаш зарур. Ушбу кўрсаткичдан келиб чиқиб, банклар қанча муддатга кредит беришни ҳал этадилар.

Чунончи, Америкада дастурга киришнинг ўртача ёши 73 ёшни ташкил этади, эркаклар ва аёллар эса 65 ёшда пенсияга чиқадилар. Россияда бундан ҳам аввал чиқадилар, бироқ статистикага кўра тахминан 70 ёшгача ишлашда давом этадилар. Айни шу ёшда даромадлари анча камайиб, ёрдамга эҳтиёж ошади. Ишлаб чиқувчилар бундай кредит маҳсулларини 68 ёшдан ошганлар учун беришни мўлжаллаяптилар, кейинчалик ёш диапазонини кенгайтириш масаласини кўриб чиқмоқчилар.

Дастурнинг айрим жиҳатлари аён бўлди. Тескари ипотека олиш учун асосий шартлардан бири «ликвид кўчмас мулкнинг мавжудлиги» бўлади, у камида 10 йил бу хислатини йўқотмайди. Америкаликлар сингари шартномага квартирани лозим даражада тутиб туриш ҳақида банд киритиш режалаштирилмоқда. Кредитлар бўйича ставкаларга келсак, улар УККТА режаларига кўра имкони борича кичик бўлиши лозим, сабаби банкдан деярли барча хатарлар олинади. Кредитга хизмат кўрсатишнинг кераги йўқ: фоизлар унга қўшилади (яъни капиталлашади).

Агентликда минтақалар мўлжалга олиниб, кўчмас мулкнинг ўртача қиймати 1,8 млн рубллигидан* келиб чиқилиб, ойига пенсионерлар тахминан 1,5 пенсия миқдорида устама олишлари тахмин қилинмоқда. Бир яримта Россия пенсияси ўртача 12 750 рублга тенг. Минтақалар учун у сезиларли устама бўлади. Москвада анча юқори бўлиши тайин: пойтахтнинг иккиламчи бозоридаги кўчмас мулкнинг ўртача қиймати деярли 8 млн рублни ташкил этади. Америкада бўлганидек, яшаш муддати қарийб 10 йил, кредитнинг ўртача миқдори ҳам 62% этиб белгиланади, дейлик. Бу Москвадаги «ўртача» квартирада яшовчи пенсионер 4,960 млн рубль олишини англатади. Бу ойига 41 300 рубль дегани.

Қарздор вафотидан кейин банк квартирани сотиб, кредитни ёпади, унинг сотилишидан қолган пулларнинг бир қисмини меросхўрлар ҳисобига ўтказади (агар улар бўлса, албатта).

Дарвоқе, меросхўрлар ҳақида. Хоҳишларига кўра улар кредитларни ўзларига олиб, квартирани ўзларида қолдиришлари мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар ютмайдилар. Тескари ипотекадан фойдаланиладиган барча мамлакатларда уларни ҳужжатларни имзолаш босқичида жалб этиш тавсия қилиниши бежиз эмас. Кўпчилик меросхўрлар уларнинг кекса қариндошлари пулга муҳтожлигини эшитиб, ҳайратга тушадилар. 70% ҳолатда улар пенсионерни кредит олишдан қайтариб, ўзлари ёрдам бера бошлайдилар. УККТА ҳам худди шундай чизма билан ишламоқчи. Экспертларнинг фикрича, тескари ипотека бўлмаганда ҳам, фарзандларнинг эътиборини кексалар молиявий муаммоларига қаратиш учун ҳам уни ўйлаб топиш ўринли бўларди. Агар пенсионер кредитдан бош тортиб, меросхўрлардан реал ёрдам ола бошласа, иккала тараф ҳам ютади.

Агар пенсионер узоқ умр кўриб, кредити бўйича барча лимитларни олиб бўлсачи? Унга кўчириб юбориш хавф солмайди. Мулк қиймати билан кредит қолдиғи нисбати 98%га етгач, УККТА пенсионернинг кредитини банкдан сотиб олади. У ўз квартирасида яшайверади, вафотидан сўнг у Агентликка ўтади. Шу тариқа қарздорни квартирадан кўчириш хавфи бўлмайди, давлат хатарлари эса ҳар йили кредит миқдорининг қарийб 1%ини ташкил этувчи суғурта тўлови ҳисобига қопланади.

Яхши еб-ичиш ва даволаниш имконияти кексаларнинг қолган умрини оширишига ишонгимиз келади.

Хорижий матбуот материалларидан.

**1$ ≈ 32,2131 рубль.*

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ
2006 йил июлдан янги бошланган

ТАЪСИСЧИ **“Norma Hamkor” МЧЖ**

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул: Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга ***фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.***

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPRINT” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 398 Адади 2 780. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 30 июлда соат 15.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223